O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

КЕЛАЁТГАН 2007 ЙИЛ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил
30 декабрь
ШАНБА

№ 104
(11.907)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида анъанавий "Президент арчаси" шодиёналари бошланди. Шу муносабат билан бу ерга серфарзанд, кам таъминланган оилалар ўғил-қизлари, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари таклиф этилди.

ҚАЛБЛАР ШОДЛИККА ТЎЛДИ

Янги йил шодиёналарини дўстлар даврасида, айниқса, турли зеб-зийнатларга бурканган виқорли арча атрофида ўтказиш азиз фарзандларимизга қанчалар шоду хуррамлик улашмайди, дейсиз! Айни кунларда республикамизнинг барча вилоятларида ўрнатилган «Президент арчаси» бутун мамлакатда Янги йил шодиёналарини бошлаб берди.

Анъанага айланган «Президент арчаси»нинг вилоят тадбири бу йил ҳам Янгийўл шаҳридаги «Мадина» ресторанида бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманлардан кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, мактаб-интернатларнинг тарбияланувчиларидан 300 нафар кичкинтой иштирок этди.

Йиғилганларни вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зиёвуддин Ниёзов кириб келаётган Янги йил билан қизғин қутлади.

Тантанали очилиш маросимидан сўнг, болажонлар орзиқиб кутган байрам томошалари бошланди. Зангиота тумани Маданият уйининг «Шоввозлар» театр жамоаси байрам давомида ўзларининг қизиқарли бадиий чиқишларини намойиш этишди. Ялмоғиз кампир, Ўрмонқош, Айиқполвон ҳамда эзгу ниятли йигит, шунингдек, Қорбобо ва Қорқиз иштирокидаги афсонавий эртак жажжи қалбларга шодлик бахш этди. Ангренлик ёшлар жамоаси ва Оққўрғон туманидаги «Қувонч» рақс дастасининг турли миллат куй-қўшиқлари, шўхшодон рақс композициялари барчада яхши таассурот қолдирди. «Қалдирғоч» цирк жамоаси ҳам байрам иштирокчиларига ўз дастурларини моҳирона намойиш қилди.

Тадбирда иштирок этган расмий вакиллар болажонларга «Президент совғаси»ни топширишди. Рангли, бир-биридан бежирим совға-саломлар болаларга олам-олам қувонч бахш этди.

Фарзандларимиз учун ташкил этилаётган бундай арча байрамлари барча шаҳар ва туманларда давом этмоқда.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: *«Президент совғаси» ўз эгаларига топширилмоқда; Қорбобо – азиз меҳмон.*

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

ТОМОШАЛАР БОШЛАНДИ

...Саҳнада Қорбобо ва Қорқиз, турли эртаклар қаҳрамонлари пайдо бўлади. Байрамга атаб саҳналаштирилган "Мўъжизалар бор экан!" томошаси болаларга катта қувонч бағишлайди. Эстрада юлдузлари, цирк усталари, "Томоша" болалар студияси, моҳир ижрочилар, болалар бадиий жамоалари иштирокидаги мусиқий дастурларни ҳам шодиёна иштирокчилари қувонч билан кутиб олдилар. Тадбир болажонлар ижросидаги "Президент арчаси" қўшиғи билан якунланди.

Байрамда иштирок этган барча ўғил-қизларга Президент совғалари топширилди.

САЛМОҚЛИ ЎТГАН ДАМЛАР ШУКРОНАСИ

Йилдан йилнинг фарқи бор. Ҳар бир йил ҳаётимизда, эл-юрт, Ватан равнақида ўзига хос из қолдиради. Бу йил кўламли, туб ислоҳотлар иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда катта самаралар келтирганлиги билан тарихга киради.

Тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилаётган имкониятлар саноат, қурилиш, транспорт, алоқа ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги ўсишни барқарор тус олдирди. Натижада бозор ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон маҳсулотлар билан тўлиб бормоқда. Фермерлик ҳаракати қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда белгиловчи, ҳал қилувчи кучга айланди. Пахта, ғалла, боғдорчилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда фермер хўжаликларининг ҳиссаси кескин ортди.

Маънавий ҳаётимизда қувончли ўзгаришлар рўй бермоқда. Янги авлодни камол топтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ўз самараларини бера бошлади. Шаҳар ва қишлоқларимиз обод бўлиб, янги-янги гузарлар, маҳаллалар барпо этилмоқда. Уй-жой, мактаб, коллеж ва шифохоналар қурилиши йил сайин кенгайиб бораяпти. Сўнгги йилларда болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар ўз самарасини бераётир. Осиё ўйинларида вилоятимиз вакиллари эришган ютуқлар бунинг ишонарли далилидир.

Истиқлол шарофати билан Ўзбекистонда ҳар йилни аниқ, мақсадли бир ном билан аташ урф бўлди. Бундан ўн йил илгари Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакат ҳаётига сингдирила бошланган бу анъана изли-қутли ишларни рўёбга чиқаришга, унутилган қадриятларимизнинг бутун моҳияти, маъно-мазмуни билан тўла тиклашга имкон бермоқда. Ҳар бир йилда амалга оширилаётган чора-тадбирлар одамлар ўртасида меҳр-оқибатни мустаҳкамлаб, байналминал тотувликни, янгиланаётган жамиятимизда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорликни кучайтиришга хизмат қилаётир.

Якунланаётган Ҳомийлар ва шифокорлар йилида, жумладан вилоятимизда бағрикенглик, саховатпешалик ёрқин намоён бўлди. Кам таъминланган хонадонларнинг турмушини яхшилаш, якка-ёлғиз қариялар яшаётган уй-жойларни, меҳрибонлик ва саховат уйларини таъмирлашга эътибор кучайди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз таъкидлаганларидек, «Беминнат ҳомийлик ёрдами кўрсатиш, бева-бечора ва етим-есирларнинг бошини силаш, муҳтож ва кам таъминланган тоифаларга кўмак бериш каби халқимизга хос фазилатлар ҳаётимизда миллий қадрият даражасига кўтарилганини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин».

Мана шу анъана давом эттирилиб, кириб келаётган Янги — 2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинди. Бу ҳам мустақил тараққиёт йўлимизнинг Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилидан бири — кучли ижтимоий сиёсат давлат ва жамиятнинг бош мақсади эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Демакки, инсонпарварлик ва меҳр-мурувват руҳи, бутун мамлакатни қамраб олган саховатпешаликдан иборат олижаноб ҳаракат янада кенг намоён бўлади. Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида айни шу жиҳат ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатувчи оқибатларни бартараф этиш имконини туғдиради.

Янги йил кириб келмоқда. У қандай бўлиши, ҳар биримизнинг, хонадонларимиз, маҳалламиз, юртимиз ҳаётида қандай из қолдириши кўп жиҳатдан ўзимизга, эртанги кунни ўйлаб қиладиган меҳнатимиз, саъй-ҳаракатларимизга боғлиқ. Истиқлол яратган имконлардан фойдаланиб, излансак, тадбир билан иш кўрсак, яхши ниятлар билан эзгу мақсадлар сари интилсак, ҳеч шубҳасиз, кириб келаётган Янги йилда ҳам орзу-умидларимиз рўёбга чиқади, эл-юртда тинчлик, жамиятда барқарорлик янада мустаҳкамланади.

Янги йилда ҳаммангизга сиҳат-саломатлик тилаймиз. Янги йил ишларимизга янгича ривож бағишласин, хонадонларимизга қут-барака олиб кирсин, ҳаётимизни янги мазмун билан бойитсин. Юксак инсонийлик, шу озод Ватан фарзанди эканлигимиз туйғуси, уни обод қилиш, равнақ топтириш орзуси ҳар биримизга куч-қувват беравер-син.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАР УЧУН

Янги йил арафасида Қибрай туманида фермер ва ишбилармон хотин-қизларни ўзига бирлаштирувчи «Ташаббускор аёллар» маркази иш бошлади.

— Ишбилармон аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларга турли ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, фаолиятларидаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга кўмаклашиш янги тузилган марказимизнинг асосий вазифасидир, — дейди марказ раҳбари, фермер Гўзал Шукурова. — Бугуннинг ўзидаёқ бир неча тадбиркор аёлларга имтиёзли микрокредитлар ажратиш юзасидан банк-молия муассасалари билан келишиб олдик.

Алишер РАҲМАТОВ.

ҲИСОБОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

«Камалак» болалар ташкилоти Қибрай туман кенгашида ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

Сўзга чиққанлар ташкилот фаолиятини янада кенгайтириш, ёшларни ташкилотга кўпроқ жалб қилиш хусусида фикр билдирдилар.

20 нафар кам таъминланган оилалар фарзандларига «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг совғалари топширилди.

Мўмин ИБОДОВ.

ТРАКТОРЛАРГА БУЮРТМА

«ВТ-150Д» русумли янги тракторлардан 24 таси вилоятимиз дала механизаторлари ихтиёрига топширилди.

Бундай қудратли агрегатлар Россиядаги «Волгоград трактор заводи» томонидан республикамизга юборилган навбатдаги дала техникалари ҳисобланади.

Гап шундаки, 2006 йил бошида «Узпроммашпроект» компанияси Россиядаги «Агромашхолдинг» компанияси билан ҳамкорлик шартномасини имзолаган эди. Ўзаро келишувга биноан «Волгоград трактор заводи»да ишлаб чиқарилаётган «ВТ-150Д» агрегатларига буюртма берилди. Шу муносабат билан агрегатлар бирин-кетин мамлакатимизга етказиб берилмоқда. Эндиликда фермер хўжаликларимиз жами 291 та янги тракторга эга бўладилар.

Акбар АЛИЕВ.

МАБЛАҒ САМАРА КЕЛТИРСИН

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, алоқадор вазирлик ва идоралар, ҳокимлик ва ташкилотлар, қўмита ва бошқармаларнинг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган маблағлардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ масалаларнинг Тошкент вилоятидаги ижросига бағишланган ушбу мажлисни қўмита раиси И.Насриев бошқарди.

Таъкидланганидек, давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш борасида Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда вилоят аҳолисига 92 шифохона, 352 амбулатория-поликлиника муассасаси тиббий хизмат кўрсатяпти. Доимий шифо ўринларининг сони вилоят бўйича жами 10 минг 361 тани ташкил этади. Жорий йилда ушбу соғлиқни сақлаш муассасаларида 250 мингга яқин бемор даволанди.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

МУНОСИБЛАР ҒОЛИБ

Тошкентда олий ўқув юртлари талабалари ўртасида «Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг кўп асрлик дўстлиги: тарих ва замонавийлик» мавзуида энг яхши реферат танлови ўтказилди.

Қозоғистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан ташкил этилган танловда Самарқанд Давлат Университети талабаси Нилуфар Тукбоеванинг реферати энг яхши деб эътироф этилди ва фахрли биринчи ўринни олди.

Шунингдек, Тошкент давлат педагогика университети талабаси Жамила Тошқулова ва Тошкент вилояти педагогика институти талабаси Галия Раҳмонова танловнинг рағбатлантирувчи ўринларига сазовар бўлди.

Ғолиблар телевизор, уяли телефон, микротўлқинли печь ва махсус дипломлар билан тақдирландилар.

«Туркистон-пресс».

Газетхон илҳоми

ОРЗУ-НИЯТЛАРГА ОРЗУ ҚЎШИБ КЕЛ

Ўн икки ой, сени кутар одамлар,
Эзгу орзу-ният тузар одамлар,
Ҳар орзуга айём сабаб аслида,
Азиз байрам янглиғ ўтар бу дамлар.
Янги йил, элимга шодон, жўшиб кел,
Орзу-ниятларга орзу қўшиб кел.
Марҳабо, Янги йил, меҳмон ўзингсан,
Бу кўҳна дунёнинг дилбар сўзисан.
Гул мисол файзли қор учқунлари,
Кундайин нурафшон оқшом, тунлари.
Янги йил, элимга шодон, жўшиб кел,
Орзу-ниятларга орзу қўшиб кел.
Улуғ ёшимизга ёш қўшса, майли,
Улғайиб борсак-да, йиллар туфайли,
Биз ундан мамнунмиз, ниятимиз шу —
Шодликлар кўпайсин, бўлмасин қайғу.
Элимга, дилимга шодон, жўшиб кел,
Орзу-ниятларга орзу қўшиб кел.

Абдуғани СУЛАЙМОН.

УЛАР – ИФТИХОРИМИЗ

Газетамизнинг ўтган сонларида хабар қилинганидек, вилоятимиздан етишиб чиққан бир қатор маҳоратли спортчиларимиз Қатар пойтахти Доха шаҳрида бўлиб ўтган XV Осиё ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, юртимиз номини яна бир бор дунёга танитдилар. Улар мамлакатимиз терма жамоаси медаллар жамғармасига жами 16 та медаль ҳадя этиб, энг юқори натижага эришдилар.

Куни кеча вилоят ҳокимлигида XV Осиё ўйинларида юртимиз шаънини юксакларга кўтарган ғолиб спортчиларимизни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тантанага шуҳрат шоҳсупасидан жой олган барча спортчиларимиз ва уларни тарбиялаб етиштирган мураббийлар таклиф этилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Наримон Ҳайитқулов совриндорларимизни Дохада эришган катта ютуқлари билан самимий табриклаб, бундан буён ҳам вилоятимиз, қолаверса, республикамизда спортни янада оммалаштириш, халқаро спорт майдонларида Ўзбекистон нуфузини янада оширишда муваффақиятлар тилади.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан спортчи ва мураббийлар ўзларига кўрсатилаётган чексиз амалий ғамхўрлик ҳамда минглаб ёшларнинг ўзлари севган спорт турлари билан эмин-эркин шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб бераётган республикамиз ҳукуматига миннатдорчилик изҳор этдилар.

Маросимда Осиё ўйинлари ғолиб ва совриндорлари ҳамда жонкуяр мураббийлар фахрий ёрлиқ ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Отабек ЭЛТОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

«Камолот» совғаси

ҚОРБОБО ВА ҚОРҚИЗ ЙЎЛГА ЧИҚИШДИ

Жажжи болажонларимиз учун Янги йилни Қорбобо ва Қорқиз билан кутиб олиш қанчалар мароқли. Айниқса, уларнинг совғаси болаларга хурсандчилик, хуш кайфият бағишлайди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳам шу байрам кунлари ўсмирёшларга қувонч улашишни унутгани йўқ.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йилини кўтаринки руҳда кутиб олиш мақсадида кенгаш ташаббуси билан «Камолот»нинг «Янги йил туҳфаси» дастури ишлаб чиқилиб, амалий ишлар бошлаб юборилди. Дастур доирасида вилоят шаҳар ва туманларида Қорбобо ҳамда Қорқиз иштирокида 7 йўналиш бўйича турли тадбирлар ўтказиш режалаштирилган.

Шаҳар ва туманларга Қорбобо ва Қорқизларни кузатиш маросимида вилоят ҳокими ўринбосари Наримон Ҳайитқулов иштирок этди.

Лойиҳага асосан Қорбобо ва Қорқиз 12 январга қадар имконияти чекланган болалар учун «Камолот» совғаси»ни улашади, ёлғиз қарияларга «Ёшлар табриги»ни топширади, меҳрибонлик уйи ҳамда махсус мактаб-интернатларда «Ҳар доим «Камолот» билан», вояга етмаганларга ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марқази тарбияланувчилари учун «Камолот табриги» тадбирларини амалга оширади. Шунингдек, ҳарбий қисм аскарлари, маҳалла ёшлари ҳам эътибордан четда қолмайдилар.

Саид ҲАСАНОВ.

СУРАТДА: *Қорбобо ва Қорқизларни шаҳар ва туманларга кузатиш маросимидан лавҳа.*

Даврон АҲМАД олган сурат.

БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛАРИ ЭТИБ САЙЛАНГАНЛАР РЎЙХАТИ

Шу йилнинг 25 декабрь куни Тошкент вилояти сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2006 йил 24 декабрда ўтказилган бўшаб қолган ўринларга Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов якунлари кўриб чиқилди ва «Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайланган депутатларни рўйхатга олиш тўғрисида» қарор қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ қуйидагилар Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлари этиб рўйхатга олиндилар:

Т/р	Депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Номзод этиб кўрсатган ташкилот	Эгаллаб турган лавозими	Турар-жойи	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи
1	Каримов Мухамадали Абдуганиевич	1946 й	ЎзХДП	"Тошвилтранс" автомобилда юк ва йўловчи ташиш худудий уюшмаси раиси	Тошкент шаҳри	22-"Газалкент"
2	Садиев Неъматжон Убаевич	1970 й	ЎзФМДП	Янгийўл шаҳар "Янгийўлвино" ОАЖ раҳбари	Янгийўл тумани	16-"Янги ҳаёт"
3	Салимов Комилжон Ахмаджонович	1964 й	ЎзХДП	Пскент тумани ҳокими	Паркент тумани	43 -"Кориз"
4	Холматов Рустам Қурбонназарович	1961 й	ЎзЛиДеП	Қуйичирчиқ тумани ҳокими	Оққўрғон тумани	36-"Оққўрғон"

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмалиқ шаҳар кенгашининг ёшлар ижтимоий маркази ўз ўқувчиларига сертификат топшириш арафасида.

МАРКАЗ СУЯНЧ БЎЛМОҚДА

Марказда спорт ва компьютер соҳалари бўйича 115 нафар ўқувчи-ёшлар таҳсил олмоқда. Марказнинг қулай ва эътиборли жиҳати шундаки, аъзо ёшлар клубда ҳеч қандай тўловсиз таҳсил олиш имкониятига эга.

— Бундай шарт-шароитлар ёшларимизга таянч ва суянч бўлиш ҳиссини янада кучайтирмоқда, — дейди спорт клуби мураббийи Дилшод Каримов. — Ёшлар муаммоси ва уларнинг эртанги ҳаётига бағишланган ҳар қандай тадбир ҳаракат ташаббуси билан ўтказиб келинмоқда.

Нигора АБДУРАҲМОНОВА, ЎзДЖТУ талабаси.

Нодавлат ташкилотларда

МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

«Экология ва саломатлик кунлари»нинг 3-босқичи доирасида «Экосан» халқаро ташкилотида шифохона, поликлиника, қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда тиббиёт ходимлари ўртасида ўтказилаётган танловнинг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Йиғилганлар 2006 йилги фаолияти якунлари билан таништирилди. Унда таъкидланганидек, Ҳомийлар ва шифокорлар йилида экологик жиҳатдан носоз бўлган минтақаларга 20 та «Экосан» поездлари ташкил этилган. Уларни жойларга етиб боришида амалий ёрдам кўрсатган «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, Фавқулоддa вазиятлар бош бошқармаси, Ёнғин хавфсизлиги олий техника мактаби курсантлари, «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда ОАВ ходимларидан бир гуруҳи диплом ва совғалар билан тақдирланди.

Тадбирнинг асосий қисмида юқумли касалликлар шифохоналари орасида Наманган вилояти, оилавий поликлиникалар орасида Жиззах, қишлоқ врачлик пунктлари орасида Навоий, санитария врачлари орасида Наманган вилоятлари, участка врачлари орасида Тошкент шаҳри жамоалари ғолиб деб топилди.

Уларга пул мукофоти ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Мавлон ИКРОМОВ.

Танлов

ПАЗАНДА АЛОҚАЧИЛАР

Янгийўл шаҳри телекоммуникациялар тармоғида ўтган байрамолди тадбирини «Қувноқ ва зукко алоқачилар баҳси» деб аташ мумкин.

– Ҳар янги йил арафасида танловлар уюштириш бизда одат тусига кириб бораяпти, – дейди «Тоштелеком»нинг Янгийўл бўлими бошлиғи Жума Бўтаев. – Ўзингиз биласиз, алоқачилар иши анча масъулиятли. У ёки бу идоранинг аксарият фаолияти кўп жиҳатдан биз таъминлаётган алоқанинг сифатига боғлиқ. Шу боис, ходимларимиз ишга ҳамиша жиддий муносабатда бўладилар. Табиийки, уларнинг дам олишга эътибори ҳам ўзгача.

– Жамоа аксарият хотин-қизлардан иборат бўлгани сабабли танлов шартлари ҳам асосан аёлларбоп. Хусусан, улар учун атайин пазандалик маҳорати шартини киргизганмиз, – дея суҳбатга қўшилади касаба уюшма қўмитаси раиси Светлана Валиддинова.

Танлов иштирокчилари таом тайёрлашдан ташқари, идишдаги сувни чайқатмай югуриш, белда гардиш айлантириш, қўшиқ куйлаш, рақс тушишда ҳам анча уддабурон эканликларини кўрсатдилар.

Охир-оқибат танловда биринчи ўринни 2-АТС оператори Гулнора Ғиёсиддинова эгаллади. Тўғри, салат ҳозирлашда бўлим механиги Гулбаҳор Абдуқуловага тенг келадигани йўқ эди. Лекин сув билан югуриш панд бергани боис, у иккинчи бўлиб қолди. Учинчи ўрин эса оператор Лола Эшмуҳамедова ва техник ходима Элвира Абдуқодировага насиб этди.

Иштирокчилар ўзларининг нафақат яхши алоқачи, балки, қобилиятли, чаққон аёл ва туппа-тузук бека ҳам эканликларини намойиш этишди.

СУРАТЛАРДА: эпчил ва хуштаъб аёллар баҳсидан лавҳалар.
Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Саводхонлик муборак!

БОЛА ҚАЛБИДАГИ ЗАВҚ

Зангиота туманидаги 25-мактабда Алифбе байрами ўтказилди.

– Анъанага мувофиқ, тадбирни Янги йил байрами арафасида ўтказаяпмиз, – дейди 1 «А»-синфи муаллимаси Зуҳра Маҳмудова. – Бундан аслида қўшалоқ мақсад кўзлангандек: ҳам болалар учун Янги йил шодиёналари ўтказилади, ҳам биринчи синф ўқувчилари ўқув йилининг дастлабки ярми мобайнида олган саболқлари ҳақида ўзига хос «ҳисобот» берадилар.

Мактабда бу йил биринчи синфлар бешта. Уларнинг ҳар бири билимларнинг илк шодиёнасига алоҳида тайёргарлик кўрган. Бу ерда таҳсил олаётган 1430 ўқувчининг ҳар бири кенжа мактабдошларига ҳавас билан қараётганликлари ҳам бежиз эмас. Зеро, Алифбе байрами йилдан йилга мазмунан бойиб, томошабоп бўлиб бораяпти, у иштирокчи болалар хотирасида узоқ сақланиб қолиши ҳам, шубҳасиз.

– Тадбирнинг мустақил давлатимиз – Ўзбекистон мадҳияси билан бошланишида ҳам бир олам маъно бор, – дейди Зуҳра Маҳмудова. – Ахир, у ўқувчилар учун илк фуқаролик дарси, Ватанга ҳурмат ва муҳаббат рамзи ҳам-да.

Болалар шўх рақсларга тушишди, қувноқ шеърлар ўқишди, орттирган дастлабки кўникмаларини намойиш этишди. Ўқувчилар ва ота-оналар эса кириб келаётган 2007 йил тадбирнинг кичик иштирокчилари наздида завқли байрам билан бошланиши учун бор имкониятларини аямадилар.

Тўнғич БЕК.

СУРАТЛАРДА: байрамнинг ёш иштирокчилари ва томошабинлар.
Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

МЕНИНГ БАХТИМ

Ҳаётда ҳамма орзу-умид билан яшайди, ўқийди, меҳнат қилади. Миллий истиқлол бундай интилишларга кенг йўл очди. Мен ҳам кўпгина тенгдошларим қатори коллежда банк иши йўналиши бўйича билим олмоқдаман.

Янги йил арафасида ҳаётимда асло кутмаганим — ниҳоятда қувончли ҳодиса рўй берди. Коллежимизда таъсис этилган «Меҳнатни шарафлаш китоби»га киритилдим. Ўқиш ва жамоат ишларидаги иштироким шундай бахт келтирди.

Коллежимизда ниҳоятда ибратли, талабаларнинг пухта билим олиши, маънавий ва жисмоний камол топишига хизмат қилувчи анъаналар кўп. Шиоримиз «Ўқи, ўрган, ўйла, жаҳонга интил!» У орзу-ниятларимизга қанот бағишлайди, вақтни зое кетказмасликка, билимларни пухта эгаллашга даъват этади.

Бунинг учун коллежимизда барча шароитлар яратилган. Биз энг замонавий таълим технологиялари асосида билим олаяпмиз. Кутубхонамизда ўрнатилган компьютер орқали интернетга чиқа оламиз. Электрон дарсликлар билимларимизни муттасил ошириб боришимизга имкон бераётир. Ҳозир масофавий таълим тизимини жорий этиш ишлари қизғин давом этаётир.

Фан олимпиадалари, спартакиадалар, зукколик ва эпчиллик кўриклари билимларимиз, кўникмаларимизни мустаҳкамлашга хизмат қилаётир. Тенгдошларим туман, вилоят ва республика олимпиадаларида, танловларда ўз иқтидорларини намойиш қилишаётир. Чунончи, учинчи босқич талабаси Санжар Икромов ишлаб чиққан бизнес-режа «Келажак овози» форумининг якунловчи босқичида биринчи ўринга муносиб топилди.

Янги йил кириб келаяпти. Албатта, ундан ҳам умидларимиз катта. Биз ўқиб, изланиб, мустақил она-Ватанимизнинг муносиб фарзандлари бўлиб етишишга ҳаракат қиламиз.

Ойбек ТОШХЎЖАЕВ, Тошкент тумани ижтимоий-иқтисодиёт коллежи талабаси.

Шукрона

ФЕРМЕРНИНГ ҚАНОТИ БУТУН

Аввалларги кичик бир ютуққа эришиш, озми-кўпми муваффақият қозонишнинг ўзи бўлмасди. Негаки, жамиятимизнинг истиқболли мулкдорлари – тадбиркору фермерлар минг бир қийинчиликларга дуч келишар, расмиятчилик ва тўсиқлар кишини ранжитиб, ишдан кўнглини совутарди.

Минг шукрки, кўп жабҳаларда бўлгани каби юртимиз аграр тармоғидаги изчил ислоҳотлар, иш юритиш, ерга эгалик қилишнинг янгича шакли ва имкониятлари ҳақиқий деҳқонни чинакам қўлламоқда, қанот бўлмоқда. Эндиликда ўтаётган ҳар бир кун ер эгаси учун бирон янгилик ва енгиллик яратиб, беқиёс имтиёзлар эшигини очиб бераётир. Содда қилиб биз имкониятни эмас, имконият бизни топмоқда, десак муболаға бўлмайди.

Ҳозир қўлига кетмон тутган деҳқон борки, бироз тин олиб, ўтган мавсумни сарҳисоб қилади, шунга қараб, сабоқ олади, навбатдаги режаларни белгилайди. Бевосита хўжалигимиз фаолиятига келсак, бу йил эришган марраларимиз шуҳратимиз ва салоҳиятимиз тобора юксалиб бораётганидан дарак беради. Жами 176 гектар ерда пахта ва ғалла етиштириб, контрактация шартномаларини барвақт адо этдик, ҳосил чўғида ҳам, даромадда ҳам барака бўлди. Бундан ташқари сабзавот ва картошкачиликка қўл уриб, аҳоли эҳтиёжи учун 150 тонна картошка етказиб бердик. Умуман, йилни 55 миллион соф фойда билан якунлаяпмиз.

Тугалланаётган йилда хўжалигимизнинг техника базасини мустаҳкамлаш учун ҳам яхши имконият яратилди. Яқинда фермерлар учун уюштирилган кўргазма-савдодан иккита «Т-75» тракторини харид қилдик. Бу билан мавжуд тракторларимиз 10 дан ошди.

Қувонарлиси, 60 дан зиёд ишчи ва аъзолар худди бир оиладек меҳнат қилаётган хўжалигимиз Ҳомийлар ва шифокорлар йилида мурувват ва саховат ишларига баҳоли қудрат ҳисса қўшди. Ижтимоий ҳимоя йилида ҳам бундай беғараз ёрдамларимизни ҳудудимиздаги эҳтиёжманд инсонлар оғирини енгил, мушкулини осон қилишга йўналтиришда давом этамиз ва бундай хайрли ишларга бош қўшиш, эл корига камарбасталик бизга алоҳида мамнуният бағишлайди.

Дарвоқе, ўтаётган йил ҳаётимда яна бир қувончли из қолдирди. Юртимиз қишлоқ хўжалиги ходимлари гуруҳи таркибида Италия сафарида бўлиб, илғор мамлакат аграр ютуқлари билан яқиндан танишиш, тажриба алмашиш имкониятига эга бўлдим. У ерда кўрган-билганларим фаолиятимда ҳам кўп асқотишига аминман.

Бир сўз билан айтганда, поёнига етиб бораётган йил кўплар қатори биз – заминдорлар учун ҳам барака йили бўлди. Истардимки, бошланаётган йил ҳам қутли, файзли келсин, меҳнат қилган ҳузур-ҳаловатини кўравер-син.

Абдумалик КАРИМОВ. Оққўрғон туманидаги «Покиза-М» фермер хўжалиги раҳбари.

Ният

Ҳар йили Янги йил арафасида хаёлимдан бир фикр ўтади: «Эски йилда нималарни бажардим-у, қайси ишларим чала қолди? Ўтаётган йил нимаси билан ёдимда қолади?»
Меҳрибонлик уйида меҳнат қилаётганимга ҳам салкам йигирма йил бўлибди.

УМИДЛАРИМ КЎП

Ҳар тонг қадрдон масканим, 15-меҳрибонлик уйига қандайдир ҳадик, хавотир билан келаман. «Ишқилиб кўнгли яримлар яна биттага кўпайиб қолмадимикан?», дейман ўзимча. 130 болани ўз бағрига олиб, ўқитиб, тарбиялаётган жамоа аъзолари уларнинг ҳар бирига алоҳида меҳр, чуқур ҳамдардлик билан муомалада бўлишади. Ўзим ҳам гуруҳимдаги 19 нафар 8-9-синф қизлари билан она-боладек муомала қилишга ўрганиб қолганман. Уларнинг тўрт нафари рақҳосалик, уч қизим спортнинг таэквондо турига, қолганлари тикувчиликка қизиқишади. Барчаси оқила, доно қизлар. Уларга қараб туриб: «Эҳ, бир кам дунё», деб қўяман. Ахир, улар ҳам ота-онаси бағрида, бахтли яшаши мумкин эди-ку?!

Тўғри, муассасамиз тарбияланувчилари учун барча шароитлар муҳайё. Инсонпарварлик тамойиллари устувор вазифа этиб белгилаб қўйилган бизнинг мамлакатимизда бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Аммо инсонга, одам боласига, энг аввало, она меҳри, ота паноҳи зарур. Шунинг учун доимо жамиятимизда соғлом оилалар, меҳр-оқибатли ота-оналар бор бўлсин, деб ният қиламан. Устозларим Нина Федоровна, Татьяна Васильевналарнинг бола кўнглини топа олиш каби ноёб қобилияти, ҳақиқий фидокорлиги, тўққиз фарзанд — 7 қиз, 2 ўғилни оқ ювиб, оқ тараб, ўқитиб одам қилган кекса педагоглар — ота-онам Маҳкам Пўлатов, Шаҳодат Сайдиориповaнинг сўнмас меҳри, жонкуярлиги менинг ҳаётимда катта сабоқ бўлганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Шунингдек, камтарин меҳнатимни юқори баҳолаб, қадрлаб юксак мукофот — «Дўстлик» орденига лойиқ кўрган Юртбошимизга шу қутлуғ айёмда ўз миннатдорчилигимни изҳор этмоқчиман. Келаётган Янги — Ижтимоий ҳимоя йилида барча фарзандлар ота-она бағрида ўссин, ҳаммага тўкислик, фаровонлик насиб этсин дейман.

Қосима ТУРСУНОВА, Бўка туманидаги 15-меҳрибонлик уйи тарбиячиси, «Дўстлик» ордени нишондори.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Юртимиз соғлиқни сақлаш тизимига ўрта бўғин тиббиёт ходимларини тайёрлаб беришда Янгийўл тиббиёт коллежининг муносиб ўрни бор. Асосан қизлар таҳсил олаётган бу муассасада замонавий тиббиёт соҳаларига доир билимлар интерфаол усулларда, махсус амалиёт билан биргаликда ўқитилаётир.

ТАЛАБАЛАР ҲУЗУРИДА

Куни кеча талабалар ҳузурида юртимизда фаолият юритаётган қатор жамоат ташкилотлари ва ХДП вилоят кенгашининг фаол аёллар қаноти ҳамкорлигида учрашув ўтказилди. Унда турли соҳаларда хизмат қилаётган фаол аёллар — Олий Мажлис қуйи палатаси депутатлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла раис ва маслаҳатчилари иштирок этишди. Сўзга чиққанлар давлат ва жамият қурилишида хотин-қизлар ўрни ва нуфузини янада кучайтириш масалалари теварагида фикр юритдилар.

Талаба қизлар таълим тизими ва бошқа кўплаб мавзулардаги саволларига жавоб олдилар.

Ғайрат РАҲМАТУЛЛАЕВ.

БАЙРАМ БЕХАТАР ЎТСИН

Янги йил байрамини чиройли безатилган арчасиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бу шодиёналар, гарчи тақиқланса, ҳеч қачон мушакбозликларсиз, бенгал шамлари ва турли хил пиротехникаларсиз ўтмайди.

Аксарият ёшлар «оловли ўйинчоқлар»ни сотиб олишлари ва улардан фойдаланишлари оқибатида Янги йилни касалхоналарда кутиб олишяпти.

Арча байрамлари бундай кўнгилсиз ҳодисаларсиз ўтиши учун уни ташкил қилиш жараёнида ёнғиннинг олдини олиш қоидаларига қатъий амал қилиш зарур. Арча биноларнинг биринчи қаватидаги кенг хоналарда ўрнатилиши лозим. Камида иккита чиқиш жойи бўлиши шарт. Ёритгичларнинг созлиги, ўт ўчириш воситаларининг мавжудлиги, ишга яроқлилиги олдиндан текширилиши лозим.

Арча 24 вольт қувватидан юқори бўлмаган электр чироқлар билан ёритилади. Уни қоғоз, целлулоид ўйинчоқлар, пахта ва бошқа тез ўт олувчи материаллар билан ясатиш мумкин эмас. Унинг шохлари шифт ва деворларга тегмаслиги керак. Байрам маросимлари вақтида бенгал шами, турли мушак, айниқса, қўлбола пиротехникалардан фойдаланиш тақиқланади. Болаларни арча атрофида ва арча ўрнатилган хонада ёлғиз, қаровсиз қолдириб бўлмайди. Агарда ёнғин аломати сезилса, аввало болаларни хавфсиз жойга чиқариб, тезда «01» рақамига қўнғироқ қилиш керак.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилиш, ёнғиннинг олдини олиш ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиздир.

Барно СОДИҚОВА, вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси муҳандиси.

«ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ»

унитар корхонаси жамоаси

барча юртдошларимизни, хусусан, вилоятимиз аҳолисини кириб келаётган

2007 йил

билан чин юракдан муборакбод этади.

Ижтимоий ҳимоя йили

қут-барака, фаровонлик, тотувлик йили бўлсин!
Шу ўринда эслатиб ўтамизки, ҳар биримиз рўзғоримизда бизга кўмакчи бўлган беминнат табиий газнинг қадрига етайлик, исроф бўлишига йўл қўймайлик. Ундан қонуний фойдаланиб, ўз вақтида ҳақини тўлашни унутмайлик.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2007 йил 30 январь куни соат 11:00 да Республика Кўчмас мулк биржаси биноси мажлислар залида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк объектлари ва автомототранспорт воситалари қўйилади.

Т.р.	Объект номи	Бошланғич баҳоси, сўм	Қайси суд ижрочиси томонидан хатланган	Сақланаётган жой
1.	5-хонадон бир хонали, 6-хонадон икки хонали тураржой биноси	9 169 806	Чирчиқ шаҳар суд ижрочилари бўлинмаси	Чирчиқ шаҳри, А.Навоий кўчаси, 279-уй.
2.	Фуқаро Ж. А. Алибаевга қарашли "Урал" мотоцикли	100 000	Чирчиқ шаҳар суд ижрочилари бўлинмаси	"Ўзиккиламчи рангли металл" ОАЖнинг Чирчиқ филиали омбори
3.	Фуқаро Н. К. Джаркинбаевга қарашли "Урал" мотоцикли	100 000	Чирчиқ шаҳар суд ижрочилари бўлинмаси	"Ўзиккиламчи рангли металл" ОАЖнинг Чирчиқ филиали омбори

Ушбу объектлар сотилмаган тақдирда 2007 йил 1, 6, 8, 13, 15, 20, 22, 27 февраль ва 1, 6, 8, 13, 15, 20, 22, 27, 29 март кунлари ўтказиладиган такрорий аукцион савдоларига чиқарилади.

Қуйидаги объектлар 2007 йил 16, 18, 23, 25, 30 январь 1, 6, 8, 13, 15 февраль кунлари ўтказиладиган такрорий аукцион савдоларига чиқарилади.

Т.р.	Объект номи	Бошланғич баҳоси, сўм	Қайси суд ижрочиси томонидан хатланган	Сақланаётган жой
1.	Қуйичирчиқ тумани МТПга қарашли ГАЗ-3102 русумли, давлат рақами 11 АВ 328, 1994 йилда и/ч., техник носоз	4 592 315,4	Оққўрғон тумани суд ижрочилари томонидан хатланган	Оққўрғон тумани, Дўстобод ш. Мухамедкулов кўчаси, 230.
2.	Қуйичирчиқ тумани МТПга қарашли ГАЗ-5204 русумли, давлат рақами 14 АС 134, 1983 йилда и/ч., техник носоз	4 583 069,8	Оққўрғон тумани суд ижрочилари томонидан хатланган	Оққўрғон тумани, Дўстобод ш. Мухамедкулов кўчаси, 230.
3.	Қуйичирчиқ тумани МТПга қарашли ЗИЛ-431412 КС 2561 русумли, 11 АС 130, 1987 йилда и/ч., техник носоз	6 177 785,9	Оққўрғон тумани суд ижрочилари томонидан хатланган	Оққўрғон тумани, Дўстобод ш. Мухамедкулов кўчаси, 230.
4.	Қуйичирчиқ тумани МТПга қарашли КАВЗ-3270 русумли, давлат рақами 11 АС 126, 1987 йилда и/ч., техник носоз	4 460 999,9	Оққўрғон тумани суд ижрочилари томонидан хатланган	Оққўрғон тумани, Дўстобод ш. Мухамедкулов кўчаси, 230.
5.	Қуйичирчиқ тумани МТПга қарашли ГАЗ-САЗ-3507 русумли, давлат рақами 11 АС 125, 1990 йилда и/ч., техник носоз	4 336 259,4	Оққўрғон тумани суд ижрочилари томонидан хатланган	Оққўрғон тумани, Дўстобод ш. Мухамедкулов кўчаси, 230.
6.	Тажриба дала базасига қарашли ВАЗ-2101 русумли, давлат рақами 11 АВ 691, 1973 йилда и/ч., техник носоз	630 452,5	Оққўрғон тумани суд ижрочилари томонидан хатланган	Жарима майдончаси
7.	Фуқаро Х. М. Рахматовга қарашли ГАЗ-53 КАВЗ 664 русумли, давлат рақами 11 S 0685, 1984 йилда и/ч., техник носоз	500 000	Тошкент тумани суд ижрочилари томонидан хатланган	Тошкент тумани, "Камол Уматдош" УК омборида

Диққат тузатиш: "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2006 йил 16 декабрь 100-сонида берилган эълондаги:

Янгийўл тумани Суд ижрочилари томонидан хатланган, Янгийўл тумани, Қўшёғоч қ.ф.й.да жойлашган "ISSA AGRO IMPEKS" шўъба корхонасига қарашли 8 та чорвачилик иншоотлар бинолари бошланғич баҳоси – 35000000 сўм деб ўқилсин.

Қизиқиш билдирган иштирокчилар кўчмас мулк объектларини юқорида кўрсатилган манзилларда кўриш имкониятига эгалар.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 кун олдин, соат 18.00 гача қабул қилинади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини РКМБнинг қуйидаги:

МФО: 00425, АТИБ "Ипотекабанк" Шайхонтоҳур филиалида, ИНН 200933850, 20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Аризалар қуйидаги манзиллар бўйича қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш 2/4-даҳаси, М. Ўразбоев кўчаси, 1а-уй. Республика Кўчмас мулк биржаси.

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароунаҳр кўчаси, 19-уй. РКМБ Тошкент вилоят савдо майдончаси.

Маълумот учун телефонлар: 399-84-48, 399-79-52 (РКМБ), 133-28-52, 133-49-31 (РКМБ Тошкент вилоят савдо майдончаси).

Интернет сайтимиз: www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 №000004

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 1

ЎЗБЕКИСТОН 1

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 «Йилнома».
9.00, 15.25, 19.15 Байрамингиз муборак!
9.05 «Қарсилдоқ шаҳзода». М/ф.
10.05, 12.00, 17.55, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
10.10 «Муҳаббат, сен чиройлисан».
10.50, 12.05 «Жумбоқ». Бадиий фильм.
13.10, 17.15 «Янги йил оҳанглари».
13.55 «Заковат».
14.55 «Қалиш». Бадиий фильм.
15.30 «Шўрданак».
15.50 «Машҳурада янги йил».
16.15 «Жиддий ўйин».
18.00 «Интеллектуал ринг».
19.00 «Аъло ўйинчи».
19.20, 20.50 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30, 21.00 «Ахборот».
20.05 «Оддий ҳақиқатлар».
21.40 «Янги йилда янги қўшиқлар».
23.00 «Бир куни Афанди». Бадиий фильм.

ЁШЛАР

7.00 Янги тонг.
8.00 Давр йилномаси.
8.30 Дунё таомлари.
9.00 Кино «Улфатлар».
10.40, 14.00 «Муз даври-1». М/ф.
12.10 Фильм «Янги йил ўғриси».
15.30 Фильм «Янги йил можароси».
17.00 Маслаҳат.
17.40 Кулги-шоу.
18.25 «Дилроз».
18.55, 19.25, 20.10, 21.00, 21.45 Эълонлар.
19.00 Давр.
19.30 «Севишганлар». Сериал.
20.15 UzEX.
20.30 «Шодиёна».
21.10 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
21.50 Ҳинд киноси: «Салом-Намастэ!»

СПОРТ

8.00 «Версия».
8.30, 10.00 Мультсериал.
9.00 «Бодрое утро».
10.10 «Бедная Саша». Х/ф.
11.35 «Талкин».
12.10 «Ледниковый период».
13.20 Новогодняя юмористическая дискотека.
15.05 «Шелкунчик». М/ф.
16.30, 18.00 «Хабарлар».
17.00 «Детский спорт».
17.30 Звездный час узбекского спорта. Доха-2006.
18.20 «Дув-дув гап».
19.30 «Пленница белого камня». Х/ф.
21.00 «Карнавальная ночь-2, или 50 лет спустя». Х/ф.
23.40 «Звезды смеха».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 10.20, 14.10, 16.35, 18.25, 18.45, 20.25, 21.45, 22.10 «Анонс».
8.35, 21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?».
8.40 «Один дома-2».
10.25, 14.15 «Тошкентда янги йил».
12.10 Кино: «Келгинди куёв».
16.15, 20.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
16.40 «Мой любимый новый год».
18.15 М/ф «Новогодняя ёлка».
18.30, 21.30 «Пойтахт».
18.50 «Шунака гаплар».
19.10 «Кор ёгар, ёгар». Телефильм.
19.25 «Аёл калби».
20.30 «Антика томоша».
21.00 «Жозиба».
22.15 Кино «Рождественские каникулы».

СЕШАНБА 2

ЎЗБЕКИСТОН 1

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 10.50, 11.10, 11.55, 14.15, 16.10, 17.10, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.40, 13.45 Олтин мерос.
8.45 «Ўйла! Изла! Топ!». Телемусобақа. «Янги йил эртаги». Видеофильм.
10.55, 13.55, 19.20, 20.50 «Дунё иқлими».
11.15, 20.05 «ТВ шифокор».
11.20 «Назм ва наво».
12.10 «Дил таронаси».
12.15 «Мозий сирлари».
12.35 «Икки кишилик вокзал». Бадиий фильм.
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
15.10 «Янги йил оҳанглари».
15.40 «Ҳажвия бисотидан».
16.15 «Байрам нашидаси».
16.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.15 Эски альбом.
17.20 «Эркин иқтисодиёт».
17.40 «Овчи».
18.00 «Оҳанглар оғушида».
18.10 «2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили». «Яхшилик».
18.30, 21.40 «Янги йилда янги қўшиқлар».
19.15 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
23.00 «Ҳаёт гўзал».

ЁШЛАР

6.00, 12.00 Янги тонг.
8.00, 19.30 «Севишганлар». Сериал.
8.35 Бурч ва шараф.
8.40 Тараққиёт сари.
9.00 Даврнинг боласи.
9.15 «Алпомиш». М/с.
9.35 Болалар табассуми.
9.40 Эврика.
9.55, 21.10 Омон бўлинг!
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
10.15 Тафаккур нури.
10.20 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
11.00 Кулги-шоу.
11.45 Ўсмирлар симфонияси.
13.15 Ватаним!
13.20 CINEMANIYA.
13.50, 21.15 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
14.30 Фильм «Ниқоб».
16.15, 22.30 Янги наволар.
16.30 Фильм «Гарри Поттер ва ҳикматлар тоши».
17.45 Мухлис-шоу.
18.30 Янги наволар.
18.45 Давр-репортаж.
18.55, 21.55 Иқлим.
20.10 JOKER телелотореяси.
20.15 Наво-SMS.
20.40 Тасвир ва тассурот.
21.00 Эълонлар.
22.45 «Саломея». Сериал.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00, 9.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20 «Детский спорт».
8.35, 18.15 Мультсериал.
9.25 «Мониторинг».
9.45 «Кто на что горазд».
10.10 «Малахов+».
11.30 «Пока все дома».
12.00 «Один дома-1». Комедия.
18.00 «Детский спорт».
18.50 Сам-себе режиссер».
19.30 Звездный час узбекского спорта. Доха-2006.
20.00 «Вести».
20.20 «Гордость». Сериал.
21.10 «Богатырские игры».
21.50 «Калбим наволари».
23.15 «Служебный роман». Х/ф.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 11.20, 18.25, 18.45, 20.15, 22.45 «Анонс».
8.35, 18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15, 21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?».
9.20, 18.05, 21.45 «Телекурьер-маркет».
9.40 «Один дома-3».
11.25, 19.30 Музыка SMS.
11.45 М/ф «Астерикс и Викинги».
17.55 М/ф «Приключения Леапольда!».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Химоя».
20.20 Дикий мир.
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
22.05 «Биринчи буса». Бадиий фильм.
22.50 Кино «Клик».

ЧОРШАНБА 3

ЎЗБЕКИСТОН 1

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 10.25, 11.10, 14.15, 17.10, 18.30, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.40, 11.55, 17.15 Олтин мерос.
8.50 «Простаквашиналик учовлон». М/ф. «Аёз бобо». Бадиий фильм.
10.30 «Одамлардан бири».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55, 13.55, 19.20, 20.50 «Дунё иқлими».
11.15, 20.05 «ТВ шифокор».
11.20, 20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
12.00 «Ягона оилада».
12.20 «Мозий сирлари».
12.40 «Икки кишилик вокзал». Бадиий фильм.
13.50 Ватан ҳақида қўшиқлар.
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
15.10 «50х50».
16.00 «Янги йил оҳанглари».
16.30 «Бизнинг кутубхона». «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.20 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
17.40 «Умр мазмуни».
18.00 «Оҳанглар оғушида».
18.10 «Тарих кўзгуси».
18.35 «Гулхан атрофидагилар». Видеофильм.
19.15 «Молия ва банк хабарлари».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
21.40 «Бир ўлка-ки».
22.00 «Кўшиғимсан, муҳаббат».
22.10 «Ҳаёт гўзал».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00, 9.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20, 18.00 «Детский спорт».
8.35, 9.55, 18.15 Мультсериал.
9.20 Женский минифутбол.
10.10 «Малахов+».
11.10 Теннис.
12.00 «Один дома-2». Комедия.
18.50 «Вокруг света».
19.30 Звездный час узбекского спорта. Доха-2006.
20.00 «Вести».
20.20 «Тет-а-тет».
20.30 «Гордость». Сериал.
21.50 Еврофутбол.
23.25 «Звёзды мирового кино».
23.50 «Служебный роман». Х/ф.

ЁШЛАР

6.00, 12.00 Янги тонг.
8.00, 19.30 «Севишганлар». Сериал.
8.35 Бурч ва шараф.
8.40 Тараққиёт сари.
9.00 Даврнинг боласи.
9.15 «Алпомиш».
9.25 Болалар табассуми.
9.30 Шум болалар.
9.45 Болалар шеърияти.
9.55, 21.10 Омон бўлинг!
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
10.15 Тафаккур нури.
10.20 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
11.00 Ватанпарвар.
13.15 Ватаним!
13.20 Ҳарбийлар куйлаганда.
13.30 Тасвир ва тассурот.
13.50, 21.15 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
14.30 Комедия «Бахт кулиб боққанда».
15.50 Истиқбол тимсоллари.
16.15, 18.30, 22.30 Янги наволар.
16.30 Фильм «Гарри Поттер ва ҳикматлар тоши».
17.45 Лангар.
18.15 Ҳаёт қадри.
18.45 Каталог.
18.55, 21.55 Иқлим.
20.10 Спорт-лото.
20.15 Наво-SMS.
20.25 Давр мавзуси.
20.40 Автопатруль.
21.00 Эълонлар.
22.45 «Саломея». Сериал.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 9.50, 11.45, 18.25, 18.45, 20.15, 22.45 «Анонс».
8.35, 18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15, 21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?».
9.20, 18.05, 21.45 «Телекурьер-маркет».
9.40 «Химоя».
9.55 М/ф «Хазиналар ороли».
11.15, 20.50 «Репортаж».
11.25, 19.30 Музыка SMS.
11.50 Кино «Подарок на Рождество».
17.55 М/ф «Леапольднинг саргузаштлари».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Мукаддас қадамжолар».
20.20 Дикий мир.
21.00 «Жозиба».
22.05 «Куза». Бадиий фильм.
22.50 Кино «Дом с приколами».

Айём

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Азиз ватандошлар, барчангизни Қурбон ҳайити билан чин дилдан муборакбод этаман.
Бу улуғ айёмни элу юртимизда меҳр-оқибат, ўзаро биродарлик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, ҳиммат ва саховат каби анъаналаримиз тобора мустаҳкам қарор топаётган бир шароитда кўтаринки руҳ билан кутиб олаётганимиз янада қувонарли.

ҚУРБОН ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Қурбон ҳайитининг файзу баракоти қалбларимизни ва хонадонларимизни мунаввар айласин. Бу улуғ байрам кунида Ислом оламидаги барча имон-эътиқодли мусулмон биродарларимизнинг қалблари равшан, диллари хушнуд бўлиб, улар Аллоҳ таолонинг фазлу карамидан умидвордирлар.

Маълумки, бу кунда барча мусулмонлар бир-бирларини байрам билан қутлаб, табаррук кексаларимизга имон, узоқ умр, ёшларга тавфиқу рушту ҳидоят тилашади. Қариндош-уруғлар, ёру биродарларни зиёрат қиладилар. Яқинлари ва беморларнинг ҳолидан хабар оладилар. Бундай хайрли ишлар азалий қадриятларимиздандир. Бирор сабабга кўра аразлашган, гина-кудратли таниш-билишлар ҳам ҳайит кунларида ўзаро узр сўрашиб, бир-бирларига қучоқ очадилар.

Мўмин-мусулмонлар фақатгина шу кунларда эмас, балки йил давомида бир-бирларига бўладиган муомалаю муносабатларни яхши қилмоқликлари лозим. Аллоҳнинг берган неъматларидан хайр эҳсон қилиш, саховатли кишиларимиз муҳтож одамларга ёрдам қўлларини чўзмоқликлари даркордир. Савоб ишни ҳар ким ҳар куни қилиши керак.

Ислом дини кишиларни бир-бирига меҳру оқибатли бўлишга чақириши билан бирга, уларни динидан, миллатидан қатъи назар, ўзаро иззат-ҳурмат кўрсатишга ундайди. Бу жамиятнинг бирлигига, унинг аъзолари орасида дўстликни мустаҳкамлашга муҳим омил бўлади.

Мамлакатимизда мусулмонларнинг диний маросимларини камоли ҳуррият билан адо этишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши эса эл-юрт равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида мамлакатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган одилона тинчлик сиёсатининг нақадар изчил эканлигини кўрсатиб турибди. Президентимиз айтганларидек: «Ўз-ўзидан равшанки, ижтимоий ҳимоя масаласи — бу фақат давлат ва ҳокимият ташкилотлари, ижтимоий таъминот ва хайрия муассасаларининг иши бўлиб қолмаслиги лозим. «Ижтимоий» деган сўзнинг кўпчиликка, жамоатчиликка мансуб деган маънони ифода этишини инобатга оладиган бўлсак, бу ўта муҳим масала жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланиши даркор».

Ҳозирги давримизда ижтимоий ҳимоя деганда, давлат ва жамиятнинг моддий ёрдамга муҳтож фуқаролар тўғрисидаги ғамхўрлиги тушунилади. Мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини ошириш, иш билан таъминлаш, таълим-тарбия бериш, тиббий хизмат кўрсатиш, нафақа билан таъминлаш, имтиёзлар бериш каби ижтимоий таъминотларни мисол қилиб келтириш мумкин. Истиқлолимиз туфайли миллийлик ва ўзликни англаш, эътиқод ва виждон эркинликларининг тикланиши ҳам ижтимоий ҳимоянинг кўринишларидан ҳисобланади. Республикамизда ижтимоий ҳимоянинг ҳуқуқий муҳити яратилган бўлиб, унинг тамойиллари Конституция билан кафолатлаб қўйилган.

Юртимизда «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг жойлардаги вакилликлари, шунингдек, саховатпеша кишиларимиз томонидан муҳтож кишиларга моддий ёрдам кўрсатиш каби ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ижтимоий ҳимоя қўшничилик ҳақ-ҳуқуқларига мукаммал риоя қилишда ҳам ўз ифодасини топади, чунки бир-бирларига ёрдам бериш, ҳожатларини раво қилиш ва яхшилигини ошириш, ёмонлигини яшириш қўшничилик ҳақларидандир. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.)-дан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Кимки, бирорта мусулмонни дунё ташвишларининг биридан қутқазса, Аллоҳ таоло у бандани қиёмат кунидаги битта ташвишидан қутқазади. Кимки, бирорта кишининг оғирини енгил қилса, Аллоҳ таоло у банданинг дунё ва охиратдаги ишини енгил қилиб қўяди. Ўз биродарига ёрдам бериб юрган бандага Аллоҳ таоло ҳам ёрдам беради», деганлар.

Муҳтарам Президентимиз томонидан «Оила йили», «Соғлом авлод йили», «Қариялар қадрлаш йили», «Ҳомийлар ва шифокорлар йили», «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиш анъанасининг давом эттирилиши ҳам аҳолимизнинг моддий ва маънавий савиясини юксалтиришга қаратилган тадбирлардан ҳисобланади.

Улуғ айём билан кексалик гаштини сураётган табаррук ёшдаги нуроний отахон ва онахонларимизни, барча ватандошларимизни чин дилдан муборакбод этиб, Ватанимизнинг истиқболи порлоқ, юртимиз тинчлиги ва осойишталиги бардавом, халқимиз фаровонлиги янада зиёда бўлишини Яратгандан сўраб, дуо қиламиз.

Қурбон ҳайитингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!

Ҳожи Абдураззоқ ЮНУС,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари.

Янги – 2007 йилни
кутиб олишга хуш кайфият,
кўтаринки руҳ билан
ҳозирлик кўрмоқдалар.
Эл севган шу байрам барчамизга
муборак бўлсин!
Юртимиз тинч, оилаларимиз мустаҳкам,
хонадонларимиз обод бўлсин.

Акциядорлик-тижорат
«Ипотека банки»
вилоят бўлими
ҳамиша сизнинг хизматингизда.
Кўркам уй-жойларга эга бўлишингизда
ва тадбиркорлик фаолиятингизни
ривожлантиришингизда сизга
доимо камарбастадир.

Бекажон

«АЁЗ БОБО» ПИРОГИ

Хамирига: 250 гр. ун, 120 гр. сариёғ, 3 та тухум сариғи, 80 гр. шакар, истеъмол содаси.

Безагига: 3 та тухум оқи, 100 гр. ёнғоқ, 100 гр. шакар.

Ун, сариёғ, тухум сариғи, шакар ва содадан тайёрланган хамирни ёғ суртилган қолипга солиб, ўрта ҳароратда пиширилади. Тайёр бўлгандан сўнг пирогни майда бўлакларга бўлиб, уларнинг устига тухум оқи, ёнғоқ ва шакар упасидан тайёрланган крем суртиб, безатилади.

«ЯНГИ ЙИЛ» ТОРТИ

Масалликлар: 150 гр. шакар, 200 гр. шакар упаси, 150 гр. ёнғоқ, 2 та апельсин, 6 та тухум, 2 ош қошиқ лимон шарбати, 2 ош қошиқ қайнатилган сув, бир чимдим туз.

Апельсинлардан сиқиб олинган шарбатни шакар билан аралаштиргач, ёнғоқ қўшинг. Устидан тухумларни чақиб, яхшилаб аралаштиринг. Туз солгач, тайёр маҳсулотни махсус қолипга солиб, 225° Сли печ ҳароратида 55 дақиқа давомида пишириб олинг. Пишган торт устига шакар упаси, лимон шарбати ва қайнатилган сувдан иборат суюқлик сурилади.

Тасодиф

Бу воқеа Екатеринбург шаҳрида, Кончилик ишлари институтида аспирантурада ўқиб юрган йилларим бўлиб ўтган эди. Ўша пайт мен меҳмонхонада яшардим. Институт меҳмонхонадан атиги 500 метр нарида жойлашганди.

Октябрь ойининг бошлариданоқ шаҳар қиш кўрпасига бурканиб олар, Шимолдан эсган совуқ шамол етти қават кийимимдан ўтиб, этимни музлатиб, суякларимни қақшатиб юборарди. Оғзибурнимни икки қават шарф билан ўраб бошимни эгганча югуриб юрардим.

Бир куни шу алфозда кетаётиб, бир одамга қўққисдан урилиб кетдим. Жон ҳолатда, узр сўраб қарасам, у ишчи бўлиб, ғаладонга терилган ажойиб булкаларни машинадан олиб, ичкарига — «Снежинка» кафесига ташимоқда эди. Мен ҳам ишчига эргашиб, ичкарига кирдим. Буфетдан кофе билан битта бояги булочкали бутерброддан олиб едим. Иссиқ кофе танамни қизитди. Шунинг қуввати билан институтга етиб олдим. Бахтимга «Снежинка» кафеси ўқиш жойим билан ётар еримнинг қоқ ўртасида, жуда қулай ерда эди. Қайтишда ҳам худди шундай қилдим. Энди қалтирамай, худди шу ерлик одамлардек, бошимни кўтариб, эркин нафас олиб юрадиган бўлдим.

Шундай қилиб, «Снежинка» менинг кунда икки марта кирадиган жойимга айланди. Ёши ўзим қатори, хушбичимгина буфетчи қизнинг мени кўриб, ёқимли жилмайиши дилимни ёритиб, кафега худди ўзимнинг уйимга киргандек интилардим. У ерда мусофирчилигим унутиларди. Мени кўрган ҳамоно буфетчи қиз жилмайиб, анъанавий буюртмаларимни ликобчаларда олдимга қўярди. У билан танишиб ҳам олдим. Исми Галя бўлиб, фамилияси Балакая экан.

— Мен абхаз қизиман! Шунинг учун фамилиям бошқача, — деди қиз жилмайиб ва атрофга бир қараб олди-ю, — қадимий абхаз князьлари авлодиданман! — деди чиройли жилва билан.

Кунлар тез ўтиб, йил ҳам тугади. Янги йил арафасида иш куни бўлишига қарамай, ҳамма кўчада. Универмагу гастрономлар одамлар билан гавжум. Байрам шарофати билан чиқазилган моллар савдоси чаққон. Байрамни олдиндан бошлаб юборган баъзи бировлар кўчада қўшиқ айтиб, гандираклаб юришарди. Меҳмонхонага боришдан олдин «Снежинка»га кирдим. Афтидан бугун мени кўришдан умидини узган Галя қувониб кетди.

— Янги йилни ким билан кутасан? — сўради тўсатдан Галя буюртмаларимни олдимга сўриб.

— Ҳеч ким билан, — дедим хомушгина.

— Жуда яхши! У ҳолда бирга кутамиз! — деди Галя кўзлари ёниб, сўнгра сирли оҳангда: — Менинг уйимда, — деб қўшиб қўйди.

Юрагим қинидан чиқиб кетаёзди. Неча ойдан бери васлига етиш орзусида юрсам, тақдирнинг инъоми билан Галя ташаббусни ўз қўлига олиб, уйига таклиф қилганидан қувончим ичимга сиғмасди. Унинг бу таклифига «Розиман!» дейишга овозим чиқмай, бош силкитдим. Галя хурсанд бўлиб кетди. Муаттар бўй анқиб турган юзини менга яқинлаштириб, секингина деди:

— Ярим соатдан кейин ишдан кетаман. Уйга бориб тайёргарлик қиламан, — сўнгра бир парча қоғозга бир нималар ёзиб, менга узатди. — Бунда менинг манзилим. 350-автобусга ўтирсанг, тўғри Шарташга, уйимга олиб боради.

Галянинг энтикиб, тез-тез гапиришидан, у ҳам мен билан учрашиш орзусида қийналиб юргани шундайгина сезилиб турарди.

— Такси олақоламан, — дедим мен олифталик билан.

— Асло такси олма! Таксистлар адаштириб, сени катта пулга туширишади. Байрамолди уларнинг кўпчилиги ичган бўлиши мумкин. Автобус тинчроқ — 10 минутда уйимга олиб боради...

Меҳмонхонага келгач, бирор соат ухлаб олмоқчи бўлдим. Бироқ Галянинг ҳусни, қадди-қомати кўз ўнгимдан кетмай, менга уйқу бермади. Абхазиянинг гўзал қизи билан Янги йилни қандай ўтказишни ўйлаб, кроватда тўлғана-тўлғана кунни кеч қилдим. Меҳмонхона буфетига кириб, наридан бери овқатландимда, бир шиша шампан олиб, хонамга қайтдим. Йўлакда мени кўриб қолган озарбайжон дўстим Маҳмуд қаерга отланаётганимни билиб, қўлимга бежиримгина гулдаста қилиб берди.

Автобус бекатида одамлар кўп. Биринчисига чиқа олмадим, кейингисига ҳам чиқолмаслигим аниқ. Чунки одам оқими кўпайса кўпаймоқда-ки, сира камаймасди. Хуноб бўла бошлаганимда, бир такси тўхтаб, шофёри ойнадан мўралаб: «Шариташ! Шариташ, давай!» деб бақирди. Фурсатни бой бермай, машинага ўзимни урдим. Шофёр аёл киши бўлишига қарамай, жуда эпчил экан. У татар шекилли, машина ҳар сирпанганда ўрисча ва татарча аралаш бўралатиб сўкинарди.

— Шариташнинг қаерига? — сўради машинани ўнглаб олгач.

— Сенин кўчасига.

— Вот тебе на! — деди хотин сал жилмайиб. — Менинг родной кучамдир. А нечанчи уй?

— Икки юз ўттиз тўртинчи.

— Ведь менда онда турам! Мой Аллах! Бит тўғри айтурлар «Мир тесен» деб, — деди ҳайдовчи ва қизиқиб менга бир қараб олгач, сўради. — Нечанчи квартира, если не секрет?

— Тўртинчи, — дедим секингина.

— Дўртинчи?! — аниқлади таксичи ва кўзи қинидан чиқай деб яна аниқлик киритмоқчи бўлди. — Бит онда Голия тура?!

Галянинг исмини эшитишим билан юрагим жиз этиб кетди. У билан бир неча минутдан кейин кўришишим аниқлигини билиб, очилиб кетдим-да, жилмайиб.

— Ҳа, не секрет, Галя Балакаяникига! — дедим ғурур билан.

Менинг жавобимдан аёлнинг кўзи ола-кула бўлиб, оғзи очилиб қолди. Ўзини бироз ўнглаб олгач, рулга муштини уриб, нуқул: «Ай-да Балакай! Ай-да шустрая!..» дерди.

Машина икки қаватли ёғоч уй олдида тўхтади. Шофёр аёл «келдик» деб менга имлади-да, ўзи ҳам машинадан тушиб, бир талай пакетларни қўлига олди.

— Балакай онда тура! — деб, қўшни подъездни кўрсатди-да, ўз уйига кириб кетди.

Тахталари роса эскирган зинани ғирчиллатиб босиб, иккинчи қаватга, Галянинг хонасига кўтарилдим. Юрагим гупуллаб ураётгани ўзимга эшитиларди. Қўнғироқни аста босдим.

Ёши 35-40 ўртасида истараси иссиққина, паст бўйли бир татар хотин эшикни очиб, менга ҳайрон бокди.

— Мен Галя Балакаянинг таклифи билан келдим! — деб одоб билан бош эгдимда, қўлимдаги нарсаларни аёлга узатдим. У дам қўлимдаги ноёб гулдастага, дам менинг башарамга қараб, ҳеч нарсага тушуна олмасди. Ниҳоят:

— Мен ҳеч кимни таклиф қилмаганман! — деб чўрт кесдида, эшикни ёпмоқчи бўлди.

— Кечирасиз, менга Галя Балакаяни чақириб беринг! — деб қизиша бошладим.

— Йигитча! Голия Балакай мен бўламан! — деди хотин жиддий оҳангда, сўнгра ачинган бўлди. — Афтидан кимдир сизга қўпол ҳазил қилибди.

Тарвузим қўлтиғимдан тушди. Илигимдан қувват кетиб, деворга суяниб қолдим. Юрагимдан ўрин олишга улгурган абхаз қизининг нима учун менга шундай қўпол ҳазил қилганига сабаб топа олмай, гаранг эдим. Яхшиямки, ёзган қоғози киссамда экан, шуни олиб аёлга кўрсатдим. Ёзувни ўқиб кўрган аёл, бирдан кулиб юборди.

— Ахир, оқ қоғозга қора қалам билан аниқ қилиб ёзиб қўйилибдику, «Шарташ посёлкаси» деб, — деди аёл кула-кула.

— Ахир таксичи хотин «Сариташ» деб йўловчи ахтардику?

— Зинка «мотор»ми? — аёл менинг тасдиғимни ҳам кутмай, сонига уриб кула бошлади. — Зинканинг олд тиши тушганидан бери «с» ҳарфи «ш» бўлиб эшитилади. У ўзича «Сариташ» деб бақиргани сенга «Шарташ» бўлиб эшитилган...

— У ҳолда нега Галя Балакаяни танийман деди. Ахир, у сизнинг турар ерингизга мени олиб келди-ку? — ҳайрон бўлдим мен.

Аёл яна кула бошлади. Сўнгра ўзини зўрға босиб тушунтирди:

— Сен ўз танишингни исм-шарифини айтганингда, Зинка «мотор»нинг хаёли менга кетган. Менинг исмим Голия. Жуссам кичкина бўлгани учун кўни-кўшнилар «Балакай» деб ўрганиб қолишган. Бу номга ўзим ҳам кўникканман. Бу татарча «кичкина» дегани.

Шу пайт Голия опанинг хонасидан соат бонги эшитилиб қолди. У мени ичкарига тортди-да, шишадаги шампанни очиб, қадаҳларга қуйди. Бир-биримизни Янги йил билан табриклаб, қадаҳ кўтардик. Соат бирдан ошганда эса, қўлимга гулдастамни бериб, кўчага олиб чикди-да, таксичи Зинка «мотор»ни топиб чикди. Кейин уччаламиз машинага ўтириб, Шарташга, Галя Балакаянинг уйига бордик. Эшикни Галянинг ўзи очди. Голия опа унинг юзидан ўпиб, мени топширдида, изига қайтди.

Аъзам АЗИМИЙ.

Рассом ҳандаси

А. ҲАКИМОВ чизган расмлар.

Об-ҳаво

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 30 декабрь куни Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва эрталаб айрим туманларда ёмғир, қор ёғади, кундузи ёғингарчилик бўлмайди. Баъзи жойларда туман тушади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3 даража совуқ, 2 даража илиқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

Эълон!

Янгийўл тумани ҳокимининг 2006 йил 1 декабрдаги 476-сонли Қарори билан ЎзМЭИ давлат тажриба хўжалиги негизида фермер хўжаликлари ташкил этиш учун ер участкаларига танлов ўтказилади.

Танлов пахтачилик-ғаллачилик ва чорвачилик йўналишида 313,1 гектар суғориладиган ер участкаларига 6 та лойиҳа бўйича ўтказилади.

Танлов 2007 йил 5 январь куни ЎзМЭИ тажриба хўжалиги маъмурий биносида ўтказилади.

Мурожаат учун тел.: (837058) 61-239.

Қайта ташкил этиш комиссияси.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-53-09. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1440. Адади 3164. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

белгили материаллар - тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи - 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.30. 1 2 3 4 5